Шеърлар (танловга)

16:46 / 19.04.2017 3746

Лахта бўлди пора юрак,
Ишқсизликдан оғриндим.
Йиғлар ҳатто дуо, тилак:
"Гўзал*, Сени соғиндим.!

Бу соғинчда дилим гирён,
Кутдим Сени ҳар маҳал.
Мен Мумтоз-у, Сен Шохжаҳон,
Қуриб бергин Тожмаҳал...

Токи ғамгин бу юрак,
Қувонч-ла бўлсин масрур.
Менга фақат шу керак,
Боқийга боримда тур..!

* - Аллоҳ таоло

***

Ҳаёт шундай яшайверасан,
Кунлар бир хил ўтади гўё.
Орзунгга гул тақаверасан,
Бўлмасин деб бир куни рўё.

Бир нотаниш учрайди сенга,
Ҳаётингга бир ранг киргандек.
Шунда қалбинг киради тилга,
Худди Уни топиб олгандек.

Кунлар ўтаверади тинмай,
Суҳбатларинг манфаатли бўлар.
Чин юракдан дуоинг тинглаб,
Сени Ўзга бир дўст деб билар...

***

Нофармондек гулгун кулиб тонг,
Қуёшини кута бошлади.
Хўрозлар ҳам уриб бунда бонг,
Бошқаларни Унга бошлади.

Қушлар жўрда алқади Уни,
Ўт-ўланлар уларга шерик.
Бедор шамол уйғотди бизни,
Деб ахир сен У билан тирик.

Дилда пайдо гўзал бир сўзлар,
Бир маржонга тизилиб бу дам,
Сажда сари қадалди кўзлар,
Савобларни кўрмоқ-чун баҳам..

Muvashshahlar

Joynamoz

"Jannat"imiz bo'lib foniy dunyoda,
Oxiratga yo'ldir go'zal joynamoz!
Yukinib Allohdan tilaymiz har na,
Neki tilaklarga guvoh joynamoz!
Asl taqvodorga mahrami dildir,
Mo'minga birodar misol joynamoz!
Oqibat "hech" bir kas bo'lmas zamonda,
Zar emas, asqotar oddiy joynamoz!

Muslima

M astura opajon-u, singiljonlarga ta'zim
U lar chin hayo ila qilishgan o'zga pardoz.

S abr-u matonatlari nafsiga bo'lib hokim,
L atif so'zlar hamrohi jonigadir poyondoz.
I nkor etmam Robiya, Nafisalarning qadrin,
M o'mina, muslimalarga bo'lib hayot maktabi,
A srlar osha mana eslaymiz har so'zlarin.

Tavakkul

Tilda Alloh,dilda Uni unutganmiz,
Aql boru,lekin nafsga qul bo'lganmiz.
Voizlar ko'p, eshitguvchi topolmasdan,
Arzimas bir gapga bahsni boshlagan biz.
"Kecha" o'tdi, "ertaga" yo'q, "bugun" so'roq,
Kim o'ziga,kim Allohga tavakkulroq.
Ustunligi taqvosida bilinar kun,
Lozim bizga chin musulmon,mo'min bo'lmoq.

Vasatiya

Vasat ummat degan bizni Haq Taolo,
Ahli islom totarruf-u, g'uluvda xor.
Sunnat yolg'on,xalq islomdan bo'lib judo,
Asl hujjat, dalil izlab yurarlar zor.
Teng bo'lmaylik hayvonlarga, qilmang suron,
Inson nomi ulug' asli, ey dindoshlar.
Yana neni talashasiz molmi yo jon,
Axir endi boshlanajak BUYUK SAFAR!!!

Ilm

Ikki dunyo saodatin izlar ersang,
Lozim Senga ilm topmoq, istamoq ham,
Mehnatlaring evazini bersin Egam!..

Asrorga boy dunyoda teng yashash istar inson.
Dushman emas,do'stlarga boy bo'lish xohlar hamon.
Oson yashashni kasb qilib,noliydi sal qiynalsa,
Lutfu karam begona,oila barbod chunon.
Ahli musulmon bugun har ishda der adolat,
Taqdirda yozmishimda xayrni qil ijobat!

LAYLAT UL QADR

Yerga tushar to'p-to'p maloikalar,
Mo'minlar qalbida surur va faxr.
Islom dunyosida ulug' bu damlar,
Muborak tun bugun **LAYLAT UL QADR**.

Duo qiling, ijobat erur beshak,
Bedor bo'ling kun ham, tunda ham oxir.
Tilang ezgu niyat, xush go'zal tilak,
Duolar mustajob bu **LAYLAT UL QADR**.

Haq zikrida bo'lsin tillaringiz nam,
Qur'on o'qing bunda savob ham ajr.
Ehson ziyod bo'lsin, bo'lmay aslo kam,
ALLOHdan hadyadir **LAYLAT UL QADR**!

Тўртликлар

Тунлар бедордурман яна Сени васлинг умидида,
Қалбим вайрон қилмагил ғам алам, нафс уйида.
Майли сина, бер синовлар, бу фоний меҳмонхона,

Ўлишга тайёрман иймон ҳаловатинг йўлида!

* * *

Шундай муҳаббат бергинки, оқибат Сени топай,
Унда Сени кўрай-у, Сени деб унга шошай.
Унинг ҳар назарида етса илоҳий нур тажаллий,
Бир қарашига маст бўлиб, иккисида жон берай...

***

Сен-ла суҳбатлашмоқ истади кўнгил,

Негадир қўмасим ўша кунларни.

Ишқнинг ҳижронида бўлиб мен дилгир,

Ўзимга дўст тутдим бедор тунларни.

***

Қор,хазонлар кўпайса ҳамки,

Қалбингизни егалласа ғам.

Ёнингизда бўлмасам гарчи,

Дуоимда бўласиз ҳар дам.

***

Сени ўйлаганда йиғладим яна,
Қалбдан қийналдим-у, тинмадим яна.
Уни унут дэйишди баъзи бировлар,
Хўп дедим-у лекин кўнмадим яна...

***

Озорларинг қалбимга роҳат,
Синовинг-ла тўламан нурга.
Сен унутма, унутма фақат,
Борганимда назар сол менга!

***

Ошиғингман юз тубан, гумроҳ,
Сендан ўзга кўринмас кўзга.
Ишқинг сабаб, минг нола-ю оҳ,
Сиғмаяпти биргина сўзга.

***

Висолингни тилайди кўнгил,
Назарингга кўзлар нигорон.
Осмонларда парвоз этар дил,
Сен бир нигоҳ ташлаганинг он!

***

Сендан бошқа ғамим йўқ менинг,
Изҳоримни тинглагин мана:
Жонфидонгман,умрбод Сенинг,
Ёдинг ила қувнар дил яна!

***

Яхши ҳам, ёмон ҳам учрар бу "дун"да,
Беҳуда онларга бой бўлар фурсат!
Зоҳир-ла ўлчанар қадр бугунда,
Ботиний асрорлар яширин хилқат!

***

Муҳаббат-ла келдим дунёга,
Муҳаббат-ла яшайман бугун.
Муҳаббатим муҳрлаб қалбга,
Муҳаббат-ла кетарман бир кун..

***

Кутган номин тингламоқ учун,
Жон қулоққа айланди мана.
Ўша Номла бу руҳ-тан бутун,
Ҳаёт гўзал шу Исм ила..

***

Оҳ нега қийналдим дея оғриниб,
Қалб кўзин Тақдирга тикманг бемажол.
Яхшиси таваккул қилинг сиғиниб,
Ёлғиз Парвардигордан сўранг нурли ҳол..

***

Аллоҳ дедим, кам қилмади,
Дўсту ёрга қилди ошно.
Тилга зикру фикр берди,
Ҳаётим ҳам нурли, зиё.

***

Доим кулби тургин, қалб йиғласа ҳам,
Сени енгмасин-да турфа хил алам.
Рақиблар ёнида қаддингни эгма,
Мадад бўлсин Сенга Қодир Зот - Эгам!..

***

Кулсам,кулдим дунё ғамидан,
Дардларимга бўлдим парвона.
Юзим кулиб турса-да лекин,
Юрагимдан йиғладим ёна...

***

Ширинсўз бўл, бўл дўстим ҳалим,
Суҳбатингга ошиқсин юрак.
Каломингда жо бўлсин Раҳим,
Унинг зикри, афзалдир бешак!

***

Хушсурату, хуш хулқинг безаб,
Забонларинг тинмас шукрдан.

Фоний, боқий саодат сўраб,
Қалб ҳаловат топар зикрдан.

***

Эҳ, Маҳбубим, Сенинг хаёлинг,
Қалбим майли айласин асир.
Фақат кўрсат, бир бор Жамолинг,
Берма, майли кўшк, айвон, қаср!

***

Муҳаббатни мадҳ етди қалам,
Дўстлик, вафо, садоқатни ҳам.
Охир билди, англабон ёзди:
“Мадҳ Сенгадир, Сенга ҳамд Эгам!”

***

Аллоҳ иноятн, Аллоҳ раҳмати,
Бўлсин ёр, қадрли диндош биродар!
Ибодат роҳати – меҳнат заҳмати,
Ҳар эзгу амалга минг-минг савоблар.

***

Барокат ёмғири ёққан бу дамда,
Аллоҳга юзландим минг шукрлар-ла.
Куним хайрли қил, собит қил ҳамда,
Сийла бизни илоҳий, нурли назар-ла...

***

Кутган номин тингламоқ учун,
Жон қулоққа айланди мана.
Ўша Номла бу руҳ-тан бутун,
Ҳаёт гўзал шу Исм ила..

***

Ҳар бир кунинг бўлибон нурли,
Ҳатто кулгинг бўлсин ҳикматли.
Умр фоний, унутма асло,
Ҳар лаҳзаси белгили, шартли..!

Гузал Мухиддинова